



Туризмни ривожлантириш бўйича қўшимча имкониятлар кўрсатиб ўтилди

**Президент Шавкат
Мирзиёев раислигида
29 март куни
мамлакатимиз туризм
салоҳиятини ошириш
масалалари муҳокамаси
юзасидан видеоселектор
йиғилиши ўтказилди.**

Туризм ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий-маданий аҳамиятга эга кенг қамровли соҳа. У даромадлиги бўйича дунёда учинчи ўринда туради. Яна бир муҳим томони, кам харажат билан кўп иш ўринлари яратиш имконини беради.

Мамлакатимизда бу соҳа изчил ривожланмоқда. Жумладан, 2022 йилда юртимизга ташриф буюрган хорижий туристлар сони 2021 йилга нисбатан 3 баравар ошган. Соҳа экспорти 1 миллиард 600 миллион долларни ташкил этган. Ички туризм дастурлари доирасида 11 миллиондан зиёд аҳоли саёҳат қилган. Самарқандда янги туризм маркази барпо этилгани натижасида у ерга қўшимча 2 миллион сайёҳ келган.

Аслида мамлакатимизда бу соҳадаги салоҳият бундан анча юқори. Юртимизга келмокчи бўлган сайёҳлар жуда кўп. Лекин, уларни қизиқтирадиган жойлар ҳақида контент кам, туристларни 4-5 кун олиб қоладиган дастурлар етишмайди. Самолёт ва поездга билетни бир неча ой олдиндан сотиб олишда ноаниқликлар кўп.

Йиғилишда соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган шу каби муаммолар танқидий таҳлил қилиниб, муҳим чора-тадбирлар белгиланди.

Узоқ хорижликлар учун Ўзбекистоннинг дарвозаси бу – аэропорт. Сўнгги йилларда 5 та янги хусусий авиакомпания ташкил қилиниб, авиация паркимиз 44 тага етди. Ўтган йили Самарқанд аэропорти «бешинчи осмон» режимида ишлашга ўтгани ҳисобига, ҳафталик авиакатновлар сони 46 тадан 78 тага, йўловчи оқими эса 6,5 мингдан 10 мингга кўпайди.

Лекин ички рейслар тақчиллиги ҳафтага Нукус ва Урганчга 20 тани, Самарқандга 15 тани, Бухоро ва Термизга 11 тани ташкил этаяпти. Шу каби темирйўлда ҳафтасига 68 та қўшимча қатновга, 350 та янги вагонга талаб бор. Қорақалпоғистон, Жиззах, Наманган ва Сурхондарёда сайёҳларга автобус етишмайди.

Шу боис йил якунигача яна 20 та замонавий самолёт олиб келиб, авиакатновларни кўпайтириш бўйича кўрсатма берилди. Жами маҳаллий рейслар сони 2 баравар оширилиб,

100 тага етказилиши, айрим йўналишлар бўйича авиачипта харажати-нинг бир қисмига субсидия берилиши айтилди.

Шунингдек, бу йил 8 та электр поезд олиб келинади. Туроператор, меҳмонхона ва ташувчиларга 10 ва ундан ортиқ ўриндиқли автотранспортлар олиб киришда божхона имтиёзлари берилди. Қамчиқ довоида микроавтобус, Жиззах довои, Чимён ва Чорвоқда туристик автобус ва микроавтобуслар қатновига рухсат берилди.

Туризмда яна бир муҳим омил бу меҳмонхона. Бу борада кенг имконият яратилгани ҳисобига, сўнгги беш йилда меҳмонхона ўринлари 2 баравар ошиб, 60 мингга етган.

Давлатимиз раҳбари хорижий консалтинг компанияларни жалб қилиб, меҳмонхоналардаги шароитларни халқаро стандартлар даражасига олиб чиқиши, улар учун қўшимча кредит ресурслари ажратиш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда туризм дастурларининг мазмунига ҳам эътибор қаратилди. Қайд этилганидек, хорижий сайёҳларнинг Ўзбекистонда бир кун кўпроқ қолиши йиллик туризм экспорти 300 миллион долларга оширади.

Мисол учун, Хоразмга хорижий туристлар Бухоро ва Самарқандга қараганда 2 ба-

равар кам бормоқда. Лекин, Хоразмда сайёҳларни 3-4 кун олиб қолиш учун барча имконият мавжуд.

Ёки ўтган йили 31 та туман ва 143 та маҳалла туризмга ихтисослаштирилиб, уларда алоҳида солиқ режими жорий қилинган эди. Бу имтиёزلардан 4 мингга яқин корхона фойдаланиб, товар айланмаси 1,5 баравар ошган.

Сайёҳларни кўпроқ вақт олиб қолишда етишмаётган нарса бу қизиқарли дастурлар ва тарғибот. Шу боис йиғилишда бу борада кўмаклашишга 11 та олий таълим муассасаси бириктирилди. Улар 31 та туман ва 143 та туризм маҳалласининг тарихи, ёдгорликлари ва диққатга сазовор жойлари ҳақида маълумотлар мажмуини яратди. Улар асосида 12 та тилда туристик пакетлар ишлаб чиқилади. Туризм ва сервис объекти-лари ишчилари ўқитилади.

Мутасаддиларга меҳмонхона, маданият, табиат, этно ва гастрономик объектиларни боғлайдиган туризм кластерлари ташкил этиш, «туристлар учун меҳмондўст мухит сертификати»ни жорий қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Юртимизда туризм дастурлари асосан апрель-май ва сентябрь-октябрь ойларига мослашган. Лекин бу мавсумни узай-

т и р и ш

т и р и ш

т и р и ш

т и р и ш

т и р и ш

т и р и ш

т и р и ш

т и р и ш

т и р и ш

т и р и ш

т и р и ш

ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг референдумни кузатиш миссияси ўз ишини бошлади

Чекланган миссия таркибига элчи Альберт Йонссон (Исландия) ва унинг ўринбосари Лусине Бадалян (Арманистон) раҳбарлик қилмоқда

Миссия таркиби 10 нафар эксперт, шу жумладан, сиёсий, ҳуқуқий, медиа ҳамда сайлов соҳасидаги таҳлилчилар, узоқ муддатли кузатувчилар координатори, ДИИХБ идораси ходимлари ва маслаҳатчиларидан иборат.

Бугун ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари идорасининг чекланган референдумни кузатиш бўйича миссиянинг очилишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

– Миссиямиз Ўзбекистон ҳукуматининг расмий тақлифига биноан етиб келди, – дейди Альберт Йонссон. – Бу идорамизнинг мамлакатимизда бўлган 10-мониторинг миссиясидир. Мана, икки кундирки, қатор учрашувлар ўтказмоқдамиз. Улардан мақсад аъзоларимиз билан таништириш, идоранинг мақсадларини тушунтириш бўлди. Шунингдек, таширфимиз давомида давлат идоралари, ҳукуматдаги мутасаддилар, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти аъзолари билан учрашувларни режалаштирганмиз.

Маълумотга кўра, 3 апрелдан асосий гуруҳ экспертларидан ташқари миссия таркибига 14 нафар узоқ муддатли кузатувчилар ҳам қўшилиди. Улар 14 та вилоятда референдумни яқиндан кузатиб боришади.

Қайд этилдики, кузатув миссияларининг ўз методологияси бор. ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича идораси 57 та давлатдаги 400 дан ортиқ сайловда қатнашиб келган. Кузатув давомида миссия аъзолари асосан референдумга тайёргарлик жараёнлари, шунингдек, сайловчиларни рўйхатга олиш, сайлов кампанияларини молиялаштириш масалалари, ОАВнинг жараёндаги иштироки, шунингдек, мамлакатдаги референдумга тегишли нор-



матив-ҳуқуқий асосларни кўриб чиқишди. Шу билан бирга, референдум пайтида шикоятларни кўриб чиқиш, уларни ҳал қилиш тартибига ҳам эътибор қаратилди.

Овоз бериш кунидан сўнг Миссия референдумга бўлган давр ва референдумдан кейинги фактларни кўрсатувчи дастлабки баёнотини тақдим этади. Яқиний ҳисобот референдумдан сўнг тахминан икки ой ўтгач эълон қилинади. Унда референдумни ташкил этиш ва ўтказиш соҳасидаги амалиёт ва қончиликни такомиллаштиришга қаратилган тақлиф ва тавсиялар тақдим этилади.

Тадбир сўнггида миссия аъзолари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Гулрухбегим ОДАШБОВЕВА
«ISHONCH»

ХХР ҳудудлари билан амалий ҳамкорлик кенгайтирилади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 март куни Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси Сиёсий бюроси аъзоси, Шинжон-Уйғур автоном райони Партқўми котиби Ма Синжуй бошчилигидаги ХХР делегацияси билан ўтказган учрашувда Ўзбекистон ҳудудлари ва ШУАР ўртасидаги ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ҳудудларида Хитойнинг етакчи компаниялари иштирокида қайта тикланувчи энергетика, транспорт инфраструктурасининг ривожлантириш, саннат парклари ва қишлоқ хўжалиги кластерларини ташкил этиш соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари эътибор марказида бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев «Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонни имзолади. Унга кўра, **1 апрелдан пенсиялар ва нафақалар миқдори 7 фоизга, 1 майдан бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори 7 фоизга оширилади.**

**Иш ҳақи,
пенсиялар
ва нафақалар
миқдори
ошади**



Аграр секторни техника билан таъминлашни молиялаштиришга 2,6 триллион сўм йўналтирилади

Давлатимиз раҳбари «Аграр секторни замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

Унга кўра, 2023 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникалари харидини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ягона тартиби жорий қилинади. 2023-2024 йилларда қишлоқ хўжалиги техникаси харидини молиялаштириш учун жами 2,6 триллион сўм йўналтирилади.

Вазирлар Маҳкамаси қарори билан ўзгартирилган ва қўшимчалар киритилган низомга кўра, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол қилганлиги ҳолатини аниқлашда наркотестер махсус мосламасидан фойдаланишга рухсат берилди.

**ЙНХ
ходимларига
наркотестердан
фойдаланишга
рухсат
берилди**

Қашқадарё вилояти



Бахтиёр ЖҰРАЕВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари
Федерацияси Қашқадарё
вилояти кенгаши раиси

Юксак парвоз учун кучли қанотлар керак

маълум миқдорда моддий ёрдам ажратилди.
Бахшиной Файзуллаева Муборак туманидаги банк филиалида кассир-назоратчи лавозимида ишлаб келган. У 2020 йилда аввал туғруқ, сўнгра бола парваришlash таътилига чиққан. Унинг 2022 йилда ишга қайтмоқчи эканини билдириб ёзган аризаси иш берувчи томонидан қанотлантирилмаган. Айнан касба уюшмаси аралашгач, аёл банкнинг Қашқадарё вилояти филиалига касса-назоратчиси лавозимига ишга қабул қилинди.

Бундай ҳолатлар нега кўп учрайди? Бунга баъзи иш берувчиларнинг меҳнат қонунчилигини чуқур билмаслиги

лот ва муассаса ҳамда улардаги 2393 нафар ходим сафимизга кўшилди. Жамоа келишувлари тузилди.

Шу кунларда навбатдаги ёзги соғломлаштириш мавсумини намунали ўтказиш учун оромгоҳларнинг ҳолати ўрганилмоқда. Яққабоб, Шаҳрисабз ва Китоб туманларида 14 та ёзги болалар оромгоҳи фаолият юритади. Ўтган йили мавсум давомида 17500 нафар болани дам олдириш режалаштирилган эди ва бунга тўлиқ эришилди.

Ички туризмни ривожлантириш мақсадида ўтган йили жамоа шартномалари ва минтақавий келишувлар орқали уюштирилган саёҳатларда 29 минг 553 нафар ходим юрти-



ларнинг муаммоларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш мақсадида хонадонма-хонадон юриб, вилоятда «Аёллар дафтари»нинг тўртинчи босқичини шакллантиришди. Шу кунларда ушбу босқичда белгиланган чора-тадбирлар ижросига киришилди. Масалан, яқинда Қарши туманидаги Маданият марказида 32 нафар хотин-қизга тикув машинаси берилди. Тикиш-бичишнинг ҳадисини олган, аммо рўзгоридан орттириб, тикув машинасини олмаётган хотин-қизларга субсидия маблағлари ҳисобидан замонавий дастгоҳнинг тақдими этилиши айни мuddао бўлди.

Оила – жамиятнинг бир бўлаги. Қачонки, ходимнинг оиласи тинч ва кўнгли хотиржам бўлсагина, у жамиятга, ишлаётган корхонаси ривожига ҳисса қўша олади. Узоқ бир қишлоқ ёки маҳалладаги пенсионерга саёҳатлар бепул ташкил этилди. Шунингдек, ходимларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун театр, концерт, музей, кино ва тури кўргазма залларига олиб борилди.

Байрам саналари арафасида вилоят касба уюшма ташкилотлари томонидан «Саховат» ва «Мурувват» уйда яшовчиларнинг ҳолидан хабар олиниб, ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди.
Бундан ташқари, касба уюшма фаоллари хотин-қиз-

нафар ходим ўз саломатлигини мустаҳкамлади. Дам олганларнинг 524 нафарига бепул йўлланмалар тақдим этилди. Касба уюшмаларининг саяёҳатлари билан вилоятда соғлиқни сақлаш ходимларининг тиббий кўриқдан ўтишда чиқимдор бўлиш ҳолатлари бартараф этилди.

Касба уюшмаларига қўйилган масъулиятли талаблардан бири – жамоатчилик назоратини ўтказиб, жойларда камчиликларни бартараф этишга кўмаклашидан иборат. Шунинг учун ҳам инспекторларимиз кўпгина жабҳаларда жамоатчилик назорати тадбирларини ташкил этиб, ишчи-хизматчиларнинг меҳнат шaroитларини ўрганишмоқда. Жумладан, пахта йиғим-терими вақтида вакилларимиз худудий мониторинг гуруҳи таркибиди тўқсанлардаги пахта далаларида бўлишди. Ўрганишлар натижасида пулини ололмаган теримчиларга салкам 275 миллион сўмлик иш ҳақлари ундириб берилди.

Шу йилнинг март ойидан бошлаб, барча корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари ҳамда келишувларининг ўтган йилдаги ижросига доир муҳокамалар ўтказиб келинмоқда. Албатта, бу йиғилишлар оддий, одатий тарзда эмас, танқидий-таҳлилий руҳда ўтиши лозим. Ғалвирни сувдан кўтариб, қилинган ва қилинмаган ишларни сарҳис қилиш, локал ҳужжатларга ходимлар манфаатига хизмат қилувчи янги бандлар кириштириш, ишчи-ходимлар манфаатига оид чора-тадбирларни аниқ-тиниқ белгилаб олиш зарур.

Ўқорида тилга олинганидек, ходимларни ҳар томонлама рози қилишда касба уюшма етакчилари олдида турган масъулиятли вазифаларнинг қамрови жуда кенг. Ўз навбатида, бу борада иш берувчининг ҳам масъулияти ва қиладиган иши кам эмас.

Зеро, баланд парвозларни кўзлаган бургутнинг қанотлари кучли бўлсагина, кўзланган чўққини забт эта олади...

Таҳлил

Қорақалпоғистон Республикаси

«Аёллар дафтари»ни варақлаганда...



Амударё тумани «Чойкўл» овул фуқаролар йиғини Дўстлик овулида истиқомат қилаётган Зумрад Жабборова замон билан ҳамнафас қадам ташлаётган аёллардан бири.

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЮРТ ЮТУҚЛАРИ

– Давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имконият ва шароитлар боис елкамизга офтоб теги. Айниқса, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга кўрсатилаётган ғамхўрликдан кўпчилик оёққа турди. Жумладан, ўзим ҳам. Дастлаб томорқада 2 сотих иссиқхона ташкил этдим. У ерда бодринг, кўкатлар етиштириб, эрта баҳордан бозорга чиқара бошладим. Кейинчалик ишлар ривожлангач, аста-секин буюртмачилар сони ортди. Натижада, банкдан 15 миллион сўм кредит олиб, турмуш ўртоғим билан фаолиятни кенгайтирдик. Маҳалламиздан бир неча кишини иш билан таъминлашга эришдик. Меҳнатнинг роҳатини кўрапмиз. Хонадонимизни таъмирлаб, томни ёпиб олдик. Ҳалол меҳнат ортидан жамиятда ўз ўрнини топаётганимдан жуда хурсандман, – дейди Зумрад Жабборова.

Ҳа, аввал икки сотих, сўнг уч сотих, ҳозирда эса беш сотих ерда иссиқхона ташкил этгани Зумрадхон ишнинг кўзини билдирган аёллардан. У меҳнати ортидан «Аёллар дафтари»дан чиқиб, бугунги кунда иш ўринлари яратилган эришди.

Маълумки, узумчилик боғдорчиликнинг қадимий тармоқларидан бири. Беруний туманидаги «Шоббоз» овул фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Раъно Юлдашева узумчилик билан шуғулланади. У раҳбарлик қилаётган боғдорчилик фермер хўжалигида 14 гектар ер мавжуд бўлиб, шундан 3 гектарда узум етиштирилади. Ҳосил етилганда маржондек тизилиб турадиган узумлар ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради.

– Туманимизда тадбиркор аёллар кўп. Ерни боқсанг, ер сени боқаркан. Биргина узумчиликдан йилига 30-40 миллион сўм атрафдан даромад оляпмиз. Давлатимиз раҳбари «Бундан буён Ўзбекистонда биронта ҳам аёл давлат ва жамиятнинг эътиборидан четда қолмайди» деган эдилар. Бугун шу таъкид ҳар

бир аёлнинг тақдирида ўз ифодасини топмоқда, – дейди Раъно Юлдашева.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда ва натижалар энг чека овулардан ҳам кўзга ташланмоқда. Жумладан, Беруний туманида яшовчи Нодира Қутлимуродова «Аёллар дафтари»га киритилган эди. У банкдан 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, касаначилик фаолиятини йўлга қўйди. Унга Беруний туман аҳоли банчилиги кўмаклашиш маркази томонидан субсидия асосида 25 та тикув машинаси ҳам берилди.

– Ёшлигимдан тикувчиликка қизиқарман. Олдин парда ва кўрпа-ёстиқларни буюртма асосида бир ўзим тикардим. Давлат томонидан берилган эътибор ва қўллаб-қувватлашдан куч олдим. Менда иш фаолиятини кенгайтириш фикри туғилди ва тикувчилик цехини йўлга қўйдим. Мақсадим – маҳалламиздаги ишсиз аёлларни иш билан таъминлаш, – дейди Нодира ҳаётдан розилигини билдириб.

Тадбиркорлик ортидан ўзини банд қилиб келаётган аёллардан бири Наргиза Хўжамуратовадир. У Хўжайли туманидаги Охунбобоев номили овул фуқаролар йиғинида яшайди. Наргизахон 16 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, асаричилик соҳасига қўл урди.

– Асаричилик ноёб касб, шу билан бирга, сердаромад ҳам ҳисобланади. Келгусида асаричиликни кенгайтириб, овулдошларимни иш билан таъминлашни ният қилганман, – дейди у.

Бугун мамлакатимизда хотин-қизлар муаммоларини бартараф этиш ва уларга муносиб турмуш шaroитини яратиб бериш борасидаги ислохотлар буй кўрсатмоқда. Янгиланаётган юрда янги ютуқларга эришилмоқда.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»



ёки ходим инсон омилига енгил қараши сабабми?

Маълумки, йилдан-йилга нодавлат секторда меҳнат қилаётганлар сони ўсиб боряпти. Бу ходимларни касба уюшма имтиёзларидан баҳраманд этиш учун биринчи навбатда, аъзоликка қабул қилиш лозим. Олиб борилган саяёҳатлар натижасида кейинги уч йилда вилоятдаги нодавлат секторга тегишли 2808 та корхона жамоат ташкилотига қабул қилинди. Улардаги аъзолар сони 29195 нафарни ташкил этди. Жорий йилнинг орта қолган икки ойи давомида эса вилоят бўйича 157 та корхона, ташки-

миздаги қадимий шаҳарлар ҳамда тарихий қадамжоларда бўлишди. 61 нафар ишловчи аёл ва 90 нафар ишлаётган пенсионерга саёҳатлар бепул ташкил этилди. Шунингдек, ходимларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун театр, концерт, музей, кино ва тури кўргазма залларига олиб борилди.

Байрам саналари арафасида вилоят касба уюшма ташкилотлари томонидан «Саховат» ва «Мурувват» уйда яшовчиларнинг ҳолидан хабар олиниб, ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди.

Бундан ташқари, касба уюшма фаоллари хотин-қиз-



Африкада вабо авж олмоқда

БМТ Болалар жамғармаси – ЮНИСЕФ хулосасига кўра, Африкада вабо шиддат билан кўпаймоқда, вазият хавотирли.

Тузилма мутасаддилари аниқлик киритишича, эпидемия қитъанинг шарқий ва жанубий мамлакатларида тез тарқалапти. Юзага келган ҳолат, айниқса, болалар учун жиддий хавф туғдирмоқда.

Маълумотда ушбу хасталик вибрио бактериясидан келиб чиққани, озиқ-овқат ва сув орқали юқиши қайд этилган. Бунда бемор оғир диареяга учраб, сувсизланиш ҳолатини бошидан кечиради. Чора кўрилмаса, касаллик ўлимга олиб келади. Тоza сувга эҳтиёжни қондирмаслик, вақтида ва самарали даволаниш имкони йўқлиги инфекция тез тарқалиши ва ўлим хавфи эҳтимолини оширади.



АҚШ Хитойни ривожланаётган давлат мақомидан маҳрум қилмоқчи

АҚШ Конгрессининг Вакиллар палатаси Хитойни халқаро ташкилотлар ва келишувларда ривожланаётган давлат мақомидан маҳрум этишга ҳаракат қилмоқда. «Хитой ривожланаётган мамлакат эмас», деб номланган қонун лойиҳаси куйи палатада 415 овоз билан маъқулланди, деб хабар берди «The Hill» нашри.

Қонун лойиҳасида Давлат котибига «ХХРнинг мақомини ривожланаётган мамлакатдан ўрта даромадли ёки юқори даромадли мамлакатга ёхуд АҚШ ва Хитойни ўз ичига олган барча халқаро ташкилотларда ривожланган давлатга айлантиришга йўналтирилган ўзгаришларни» амалга ошириш талаби қўйилди.

Қонунчиларнинг фикрича, мазкур уринишлар қанчалик муваффақиятли бўлишидан қатъи на-



зар, АҚШ Хитойнинг «имтиёзли режим»дан фойдаланмаслиги ва «ривожланаётган давлат мақоми тўғрисида» оқимаслигини таъминлаши керак. Вакиллар палатаси матбуот хизмати маълумотида кўра, АҚШ ҳукумати Конгрессга ушбу чора-тадбирларнинг барчасини амалга оширишга қаратилган саяёҳатлар ҳақида ҳисобот бериши лозим.

Оламда

Қозоғистон ҳукумати истеъфога чиқди

Қозоғистонда ҳукумат ўз вазифаларини топширди ва Вази-рлар Маҳкамасининг янги сайланган таркиби тасдиқланмагунча ўз вазифаларини бажаради.

Бу ҳақда Қозоғистон президенти Қозоғистон Республикаси ҳукумати тўғрисидаги фармонида айтилган. Ҳужжат Оқўрда сайтида эълон қилинган.

«Конституциянинг 70-моддаси 1-банди ҳамда «Қозоғистон Республикаси ҳукумати

тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, ҳукуматнинг янги сайланган парламент мажлиси олдида истеъфога чиқиши муносабати билан ҳукумат янги таркиб тасдиқланмагунча ўз вазифаларини бажарсин», дейилади ҳужжат матнида.

Авалроқ Қозоғистон бош вазири Алихан Смаилов ҳукумат янги Конституцияга мувофиқ истеъфога чиқишини маълум қилганди.





Наврўз байрами муносабати билан истироҳат боғида уюштирилган халқ сайлига бордим. Тадбирни томоша қилаётганимда, кимдир ортимдан тўрткилай бошлади. Ўғирлиб қарасам, нотаниш аёл кўзларини пирпиратиб турибди.

– Опажон, – деди у шоша-пиша ўзини таништириб, – мен фалон тумanning фалон мактаби ўқитувчисиман. «Опен бюджет»да мактабимиз учун овоз йиғаётган эдик, сиз ҳам овоз бера оласизми?

– Ахир мен мактабингизни билмасам, эҳтиёжларингиздан хабарим бўлмаса, қандай қилиб овоз бераман?

– Биз шундай топшириқ олганмиз-да... Илтимос, опа, сиздан ҳеч нарса кетмайди, атиги битта СМС юборсангиз, шунинг ўзи етарли. Кейин келган кодни бизга айтиб юборасиз.

– Йўқ, синглим, бунақа кўзбўямачилик қилолмайман, – дедим...

Дам олиш кунлари тугагач, оилавий поликлиникага боришимга тўғри келди. Ўзаро салом-алиқдан сўнг шифокорим ҳамширага юзланди:


– Бу кишидан «Опен бюджет» учун овоз олдингми?... Тезроқ СМС жўнатинглар.

Поликлиникадан чиқиб, ишхонамга келдим. Бир маҳал эшикни тақиллатиб, ҳамкасбим кирди.

– Опажон, аёлим мактабда ишлайди. Ўқитувчиларнинг ҳар бирига «Опен бюджет» учун 30 тадан овоз йиғиш вазифаси топширилибди. Телефонингиздан СМС юборайлик, деб илтимос қилмоқчидим.

– Ё, тавба! Тагин шу гапми? – дейман қизишиб. – Таниш ҳам, нотаниш ҳам «Опен бюджет»га овоз сўрапти.

– Нима қилай, опа?! Хотиним «30 та симкарта харид қилинг,



OpenBudget МАШМАШАСИ

ҳар бирдан овоз тўплаймиз», дейди. Мен эса харажат қилмай, таниш-билишларни ишга солмоқчиман, – дея вазиятга изоҳ беради у. – Лекин бу кўзбўямачилик ўзимга ҳам ёқмаяпти.

– Менинг аёлим ҳам шундай топшириқ олган, – деб суҳбатга қўшилди эшикдан бош суққан бошқа бир жамоадодимиз. – Айтишича,

синф раҳбарлари 60 тадан, оддий ўқитувчилар эса 30 тадан овоз тўплаши шарт экан. Начора, қариндош-урулардан илтимос қилиб, бу ишни удалади. Лекин баъзи ўқитувчилар битта СМС учун 10-15 минг сўмдан пул бериб, баъзилари эса аҳоли гавжум жойларда газли ичимлик ёки пайпоқ тарқатиб, овоз тўплайган экан.

Ўйлаиб қолдим. Эҳтимол, «Опен бюджет» лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилгани яхшидир. Бироқ ушбу ташаббус халқнинг хоҳиш-исhti тагини намоен этишдан кўра, кўпроқ кўзбўямачиликка айланади бораётгани илк қадамданок аён бўлди-қўйди. Бу хусусда сенатор Абира Хусейнованинг фикрлари билан қизиқдик.

– Мен мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлайман, – деди сенатор. – Фуқаролик жамиятини барпо этиш барча жабҳаларда фуқаролар фаоллигини оширишни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, давлат ташаббусларига аҳолининг дахлдорлиги ва фаоллигини оширишнинг ёмон томони йўқ. Боз устига, бу лойиҳа сабабли йиллар оша эътибордан четда қолиб келган ҳудудларда йирик бунёдкорлик ишлари амалга оширилиши тезлашади. Аммо овоз бериш жараёнида бир оз нотўғри ёндашув бўлаётгани ҳақидаги хабарларни эшитяпмиз. Мажбурий овоз йиғиш ҳолатлари кўпайиб кетди. Шу боис тизимнинг ишлаш механизмларини такомиллаштириш лозим.

бордан четда қолиб келган ҳудудларда йирик бунёдкорлик ишлари амалга оширилиши тезлашади. Аммо овоз бериш жараёнида бир оз нотўғри ёндашув бўлаётгани ҳақидаги хабарларни эшитяпмиз. Мажбурий овоз йиғиш ҳолатлари кўпайиб кетди. Шу боис тизимнинг ишлаш механизмларини такомиллаштириш лозим.

Сенатор – ҳақ, Механизмларни қайта кўриб чиқиш зарур. Зеро, жамиятни оилага қисласак, ота-она фарзандларининг ҳар бири эҳтиёжидан хабардор. Қай бирига бош кийим, қай бирига ўқув куролли, бошқасига пойабзал керак ва ҳоказолар. Ота шуни била туриб, фарзандларига қўйидагича шарт қўйиши мумкинми: «Кимнинг кундалигида фақат аъло баҳолар бўлса, унинг эҳтиёжларини қондириш учун пул ажратаман. Кенжтойим, билман, пойабзалинг йиртилиб, абгор бўлган. Акангда эса иккита янги туфли бор. Лекин доимо беш баҳо олгани учун унга яна битта янги буюм олиб бераман. Сен эса «етарли овозни тўпламагунингча»... вой, йўғ-е, чалкашиб кетдим, кундалигингни «5» билан тўлдирмагунингча, мана шу оёқ кийимда мактабга қатнайверсан. Тамом-вассалом!»

Демоқчи бўлганим, аслида ҳуқумат ҳар бир «фарзанд»нинг қандай муаммоси борлигини жуда яхши билади. Қаерда, қайси муассаса ёки маҳалла таъмирига муҳтожлигидан, қай бирига йўл ёки сув кераклигидан бохабар. Ишонмасангиз, вазирларни ўз соҳасида мавжуд хато-камчиликлар ва муаммолар ҳақида саволга тутинг, ҳаммасини бошдан-оёқ айтиб беришлари тайин. Ёки бўлмаса, ҳудудларда

қандай муаммоси борлигини жуда яхши билади. Қаерда, қайси муассаса ёки маҳалла таъмирига муҳтожлигидан, қай бирига йўл ёки сув кераклигидан бохабар. Ишонмасангиз, вазирларни ўз соҳасида мавжуд хато-камчиликлар ва муаммолар ҳақида саволга тутинг, ҳаммасини бошдан-оёқ айтиб беришлари тайин. Ёки бўлмаса, ҳудудларда



ташкил этилган Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатларни ҳижжалаб ўрганиб, мукамал ечим топсак, «Опен бюджет»га эҳтиёж қоладими? Шунингдек, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига кўмаклашувчи маҳаллий ҳокимиятнинг тўрт нафар раҳбари бошчилигидаги секторлар фаолият юритяпти. Табиийки, улар ҳам маҳаллий аҳолининг қандай дарди борлигидан яхшигина хабардор. Ўз навбатида, яна бир савол туғилади: «Обод маҳалла» дастури орқали ҳар бир ҳудуд инфраструктураларини босқичма-босқич яхшилаш, бино-иншоотларни таъмирлаш бўйича ишлаб чиқилган режалар энди нима бўлади? У бир четга суриладими? Аслида секторлар ҳам, халқ қабулхоналари ҳам, «Обод маҳалла» дастури ҳам шу пайтгача «Опен бюджет»нинг вазифасини бажармаётганми?

Шундай экан, аввало, «Очиқ бюджет»га эҳтиёж борми, деган саволга қатъий жавоб топсак, нур устига нур бўларди. Энг яхшиси, ўзимизга маълум муаммоларни бир ёқадан бош чиқариб, ҳал этишга киришайлик. Мурожаатларни изчилик билан виждонан ўрганиб, ечимни бўйича максимал чоралар қўлайлик. Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган шикоятларда баён этилган, ижтимоий тармоқларда ёритилаётган хато-камчиликлар ва муаммоларга панжа орасидан қарамай, уларни ҳал этиш чораларини кўрайлик. Ишончимиз қомилки, шунда «Опен бюджет»га ҳам, ўқитувчиларни овоз тўплашга мажбурлашга ҳам ҳолат қолмайди.

Дилдора ИБРОҲИМОВА «ISHONCH»

«Ishonch»га жавоб берадилар...



ЎРИНДИҚҚА ПУЛ АЖРАТИЛМАГАН

«Ishonch» газетасининг 2023 йил 14 мартдаги сонига чоп этилган «Мухташам саройдаги сонга кирмас ўриндиқлар» сарлавҳали мақолага Маданият ва туризм вазирлиги тасарруфидagi «Халқлар дўстлиги» саройи маъмуриятдан қўйидаги мазмунда жавоб хати келди:

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 4 августдаги 638-сонли фармойишида Маданият вазирлиги тизимидаги «Халқлар дўстлиги» саройи давлат муассасасининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, юртимиз аҳолиси ва хоржий сайёҳларга ўзбек санъатини янада кенг ва қулай шароитларда намоен қилишни ташкил этишни таъминлаш мақсадида 2018-2022 йиллар давомида босқичма-босқич реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишларини олиб бориш ҳамда объектнинг реконструкциясига масъул этиб, Маданият вазирлиги ҳазуридаги «Марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан молиялаштирувчи объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлаш бўйича бюрутмачи хизмати» давлат муассасаси белгиланган.

Фармойишга асосан биринчи босқичда – 2018 йил давомида саройнинг том қисми, фасад деворлари, ташиқ пастки мрамар қисмида таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Иккинчи босқичда – 2019-2020 йиллар мобайнида объектнинг маъмурий биноси, томоша зали, иситиш ва совитиш вентиляция тизимларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш белгиланган бўлиб, Испания давлатидан томоша залига 6 хил қўринишда юмшоқ ўриндиқлар нусхалари олиб келинган. Аммо маблағ ажратилмагач, юқоридagi режалаштирилган ишлар тўхтаб қолган.

Сўнгги 2020 йил март ойидан юртимизга COVID-19 пандемияси кириб келиши оқибатида режалаштирилган реконструкция ишлари номаълум муддатга тўхтаб қолди. Бу орада сарой реконструкциясига масъул бўлган «Марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан молиялаштирувчи объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлаш бўйича бюрутмачи хизмати» давлат муассасасининг фаолияти 2022 йилдан тугатилган. Юқоридagi фармойиш ижроси юзасидан юқори турувчи ташиқлотларга ёзилган барча мурожаатлар илова қилинади.

Маданият ва туризм вазирлиги тасарруфидagi «Халқлар дўстлиги» саройи директори ўринбосари З.ХУСИДДИНОВ

Терроризм ва диний экстремизм – давр муаммоси

Тадбир

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ташаббуси билан «Тоштемирўллойиҳа» МЧЖ ёшлари ўртасида уюштирилган тадбир айна шу мавзуга бағишланди.

Унда ИИВ Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти ходимлари, «Тоштемирўллойиҳа» МЧЖ раҳбарияти ҳамда ишчи-ҳодимлар қатнашди.

Сўзга чиққанлар терроризм ва диний экстремизмнинг олдини олиш учун мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга тўхтадилар.

– Террор – оммавий ва сиёсий мақсадларга эришиш учун зўравонликдан ҳамда зўравонлик қилиш билан таҳдид солишдан мунтазам фойдаланишдир,

– дейди Терроризмга қарши кураш бўйича комиссия тезкор вакили катта лейтенант Б.Ражабов. – XX асрнинг 60 йилларидан бошлаб, терроризм мижоза келтириб чиқарувчи воситага айланди. Оқибатда террорчилик ҳаракатининг нафақат кўлами, балки методлари ҳам ўзгариб борди. Айни вақтда унинг энг даҳшатли қўринишидан бири – ўзини аввалдан ўлимга тайёрлаган террорчи-камикадзелар амалга ошираётган ҳаракатлардир.

Терроризмга қарши курашда давлатлараро ҳамкорликни йўлга қўйиш йўли асрнинг 30-йилларидан бошланган. Хусусан, 1937 йилда 20 дан ортиқ давлат терроризмнинг олдини

олиш ва бундай ҳаракатлар учун жазолаш ҳақидаги Конвенцияни имзоладилар.

Терроризмни турларга бўлишда теракт жараёнида ишлатиладиган воситаларга асосий мезон сифатида қаралади. Шунга кўра терроризм аънавий ва замонавий (технологик)га ажратилади.

Тадбир якунида ёшлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутасаддилардан батафсил жавоб олдилар.

Бобурбек РАЖАБОВ, ИИВ Транспорт ва ТОХТД ТКБ ТККБ катта тезкор вакили, катта лейтенант




Бугун...

Германиянинг давлат қарзи рекорд даражага кўтарилди

Статистик идора маълумотларига кўра, Германиянинг бир нафар фуқаросига нисбатан давлат қарзининг умумий миқдори 28 155 еврони ташкил этапти.

2022 йил охирида федерал, ер ва муниципал бюджетлар, шунингдек, ижтимоий сўғурта жамғармаларининг қарзи биргаликда қарийб 237 миллиард еврони ташкил

эти, деб хабар берди 29 март куни Висбаден Федерал статистика бошқармаси сўнги йил учун дастлабки маълумотларни эълон қилиб. Бу 2021 йилги қарздан 2 фоизга кўндир. Германиянинг ҳар бир фуқаросига тўғри келадиган давлат қарзининг умумий миқдори 28 155 еврони ташкил этапти, дейилади хабарда. Бир йил олдин у 27 922 еврога тенг бўлган.



Ҳиндистон 18 та фармацевтика компанияси лицензиясини бекор қилди



Ҳиндистон ҳукумати Дори воситаларини назорат қилиш бўйича бош назоратчи (DCGI) томонидан 20 штатдаги 76 та

компанияда ўтказилган текширувлар натижасига кўра, қалбаки дори воситалари ишлаб чиқаргани сабабли 18 та фармацевтика компаниясининг лицензияларини бекор қилди, деб хабар бермоқда «Дунё» хинд оммавий ахборот воситаларига таянган ҳолда.

Бу ҳақда сешанба куни журналистларга расмий манба маълум қилган. Таъкидлашчи, мамлакат бўйлаб фармацевтика корхоналарида қалбаки дори воситалари ишлаб чиқарилиши эҳтимоли бўйича кенг

қўламли текширувлар ўтказилган. «Текширувлар Ўзбекистонда Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган иккита йўтал ва шамоллашга қарши сироплар истеъмоли болалар ўлимига олиб келгани ҳақида хабар тарқатгандан кейин ўтказилган», деб ёзади Times Now ахборот портали. Наҳр, шунингдек, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) Ноида шаҳрида жойлашган компания томонидан ишлаб чиқарилган сифатсиз дори-дармонлар ҳақида огоҳлантирилгани эслатади.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши мажлиси белгиланди

БМТ Хавфсизлик Кенгаши Россиянинг Беларусга тактик ядро қурулини жойлаштириш режаси билан боғлиқ мажлиси жума куни ўтказилади, деб хабар тарқатди РИА Новости Хавфсизлик Кенгаши манбасига таяниб.

Россиянинг Беларусга тактик ядро қурулини жойлаштириш режаси эълон қилинган, Украина Ташқи ишлар вазирлиги жорий ҳафтада БМТ Хавфсизлик Кенгашининг навбатдан

ташқари мажлисини ўтказишга чақирди. Аввалроқ РФ Президенти Владимир Путин Москва ва Минск халқаро жавобгарликларни бузмаган ҳолда Беларусга тактик ядро қурулини жойлаштириш бўйича келишувга эришди, деб баёнот берган эди. Унинг таъкидлашчи, Беларусда тактик ядро қурулини сақлаш учун омбор қурилиши 1 июлда якунланади.

